

Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят
ахборот-кутубхона маркази
Услугиёт бўлими

“Халқнинг юрагига сингган шоир”

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир
таваллудининг 105 йиллигига
методик қўлланма.



Фарғона-2015й.

Миртемир - XX аср ўзбек шеърятининг тамал тошини қўйган устоз, оқсоқол шоирларимиздан. У зоятда меҳнаткаш, жафокаш, ҳассос, билимдон камтар, зукко сўз санъаткоридир.

Комил Яшин

Миртемир ҳозирги замон ўзбек шеърятининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган ардоқли лирик шоирдир. Ватанпарвар шоир классик адабиётимизнинг барҳаёт анъаналарини, халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганиб, ҳозирги ўзбек адабиётини бойитди, юксакликка кўтаришда зўр куч сарф этди.

Миртемир ўзбек поэтик маданиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшди, у жаҳон мумтоз адабиётининг энг яхши таржимони бўлиб, ўзбек китобхонини мумтоз ва ҳозирги замон шеърятини дурдоналарига яқинлаштирди, қатор мемуар ва публицистик асарлар қолдирди.

2015 йил 28 майда халқимизнинг севимли ўғли Миртемир таваллудининг 105 йиллиги нишонланади. Бу борада кутубхоналар ҳам ушбу санани четлаб ўтмайдилар. Кутубхоналарда, ахборот-ресурс марказларида адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган китобхонлар конференцияси, адабий-бадиий тадбирлар, давра суҳбатлари, билимдонлар беллашуви, китоб кўргазмалари каби туркум тадбирларни ташкил этишлари мумкин. Кутубхона ходимининг вазифаси китобхонлар диққатини Миртемир ижодига жалб қилиш, унинг ижодини кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Ушбу методик қўлланмада шоир таваллудининг 105 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган. Қўлланманинг мақсади Миртемир тўғрисидаги маълумотларни, ахборот материалларни кенг китобхонлар оммасига етказиш, уларни тарғиб қилишда кутубхона ходимларига методик ёрдам беришдир.

Миртемир Турсун ўғли 1910 йили Қозоғистон Республикаси Туркистон шахрининг Иқон қишлоғида туғилди. Миртемирнинг отаси Турсунмат Умарбеков ўз даврининг саводхон кишиларидан бўлиб, ўғлини Иқон қишлоғидаги эскича мактабга ўқишга берди. У эски мактабни битиргач, 1921-1923 йилларда Тошкентдаги “Алмай” номидаги болалар намуна иш мактабида тарбияланди. Миртемир 1925 йили эрлар билим юртига ўқишга кириб, уни 1929 йилда тамомлади. Сўнгра Ўзбекистон Давлат Педагогика академиясида таҳсил олди.

Миртемир Самарқандда Ҳамид Олимжон, Уйғун ва бошқа шоирлар билан яқиндан танишади. Шоир А. Безименский, М. Светлов каби рус шоирларининг шеърларини она тилига таржима қилади. Миртемир оз муддат олий мактабларда ҳам дарс беради, муҳарририятларда ходим, ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи, нашриётларда муҳаррир бўлиб ишлади. Миртемир адабиётга 20-йилларнинг ўрталарида кириб келди. Унинг биринчи шеъри “Танбурим товуши” 1926 йилда “Ёш ленинчи” газетасида босилиб чиқди. Шундан сўнг шоирнинг қалами ярим асрдан зиёдрок вақт мобайнида бир нафас ҳам ёзишдан тўхтамади.

Миртемир шеърляти.

Миртемир оз муддат олий мактабларда дарс беради, мухарририятларда ходим, театрларда адабий эмакдош, Ёзувчилар уюшмасида маслахатчи, нашриётларда мухаррир бўлиб ишлайди. Шоирнинг биринчи шеърлар тўплами “Шуълалар кўйнида” номи билан 1928 йилда чоп этилган. Унда Ватан мадҳи, меҳнат гашти, ёш замондошларнинг маънавий дунёси асосий мавзу сифатида тараннум этилади. Бу тўплам ўз даврида шеърлятимизда кувончли воқеа бўлди. Қўлимиздаги тўплам, - деган эди Сотти Ҳусайн мазкур китобга ёзган сўзбошида, - ўзбек адабиётига Янги кўзғалон, Янги умидлар бағишлайди. “Шуълалар кўйнида”ги сочмалардан хақиқатан кураш, исён, зафар тароналарини тинглаб оларсиз“...

Миртемирнинг “Зафар” (1929), “Қайнашларим” (1932), “Бонг” (1932), “Очлар ўлкасида” (1936), “Пойтахт” (1936), “Ўч” (1943), “Танланган шеърлар” (1947), “Танланган асарлар” (1958), “Шеърлар” (1961, 1964), “Янги шеърлар” (1967), “Қуш тили” (1970), “Тингла ҳаёт” (1974), “Киприкларим” (1976), “Излайман” (1976), “Ёдгорлик” (1978) каби тўпламлари адибнинг сермахсул ижодкор эканидан далолат беради.

Миртемир ижодининг дастлабки давриданок изланувчан шоир сифатида танилди. У давримизнинг моҳияти кенг кўламли эканини, уни ифодалаш учун эса янги-янги поэтик шакллар зарурлигини яхши тушунди. Шунинг учун ҳам у кўпроқ сочма шеърларга мурожаат қилди. Уларда қалбини тўлдирган, тинчлик бермаган хисларни ифодалашга уринди:

Тун сингари аста босиб келади,
Сув сингари сарин жилиб келади.
Тоғ элидай шошқин эсиб келади.
Кўл мавжи сингари тиниб келади.
Нақадар мунг ётар бу пардаларда,
Ўтган умрнинг охи зорими?
Қушлар чирқилламас тол паналарда,
Уста бармоқларнинг кўринг корини...

Шоир ижодий камолоти унинг “Ўйлар”, “Қизғалдоқ”, “Қоя”, “Менинг болалигим”, “Боғимнинг чечаклари”, “Лолазордан ўтганда”, “Қуёшнинг забти” каби лирик шеърларида янада аниқ кўринади. Бу шеърлар ширага тўлган, чуқур умумлашмаларга бой бўлиб, 30-йилларнинг иккинчи ярмидаги ўзбек лирикаси ривожига қўшилган катта ҳисса ҳисобланади.

Миртемирнинг уруш йилларида яратилган “Вабо”, “Ўч”, “Бу – менинг Ватаним”, “Она шаҳар”, “Денгиз бўйида”, “Мард йигит ёринг бўлай”, “Тилло”, “Кўзларим йўлингда” каби шеърларида душманга нафрат ҳислари жанговар руҳда ифодаланган.

Миртемир шеърляти аллақачон халқ қалбига кўчиб, унинг янгроқ кўшиғига айланиб кетган:

Куйлар навқирон наслим,
Салқин сой қирғоғида.
Сайр этар менинг асрим
Майдонида, боғида.
Сухбатим соз, хушвақтим,

Ҳар гўшада ёр васли.
Олисдан соламан разм,
Кулсам, айна ишқ фасли.
Куйлар навқирон асрим.

Ёш авлод қалбида туғён урган туйғуларни намоён этувчи бу жўшқин мисралар “Куйлар йигирма ёшим” кўшиғидан олинган. Унда ёшликнинг шодликлари-ю, кувончлари, эзгу орзулар умиди билан йўғрилган орзиқишлари-ю, энтиқишлари, муҳаббатга интиқ қалб нидолари баралла жаранглайди. Шу билан бирга кўшиқда бу садолар гўё XX асрнинг суронли инқилобий воқеалари ҳамда улкан тарихий ходисалари руҳи билан йўғрилиб, янгроқ тантанаворлик касб этади. Бундай пурмаънолик ва оҳангдорликнинг сабабларидан бири шундаки, кўшиқни ҳассос шоир Миртемир йигирма ёшида эмас, балки анча кейин, яъни етуклик чоғида, айна маҳоратининг юксакликка кўтарилган палласида яратган. Миртемирнинг теран мазмунга ва катта таъсирчанлик қудратига эга бўлган бундай кўшиқлари талайгина бўлиб, улар тинимсиз изланишнинг, бадийлик чўққилари сари интилишнинг самараси ҳисобланади.

Миртемир кўшиқчилик соҳасида ўз йўлини қидирар экан, энг буюк санъаткорларнинг гўзал анъаналари изидан борди. У, айниқса, шеърят ва кўшиқ мулкининг султони Алишер Навоий анъаналарини ўзи учун муқаддас деб билди. Навоийдан, Сарёмийдан Миртемир қофия, радиф олди ва уларни янги мазмун, янги руҳ билан бойитди. Натижада, “Яли-яли” деб аталган шўх ва нафис кўшиқ майдонга келди. Бу кўшиқ Миртемир она юрт табиатининг содиқ шайдоси, доно билимдони ва моҳир куйчиси эканлигини кўрсатди. Нозик қаламда чизилган табиат манзараси кўшиқда қирқ беш кун ичида деярли бутун Фарғона водийсини кесиб ўтувчи канал қазиган халқнинг қаҳрамонлигини мадҳ этувчи воситага айланади:

Дашт юзига юрди элим қаҳрамон,
Қудрати зўр – топмағуси тоғ омон:
Бахт сувини очғуси у бегумон,
Бўстон ўлур, сувга қониб ҳар томон.
Тўлкинидан меҳру вафо, яли-яли.

Бўйларида сухсур учар, ғоз учар,
Қирғовул, оққувлар этиб ноз учар,
Булбул ўқир, нағма хушовоз учар,
Қишни қувиб, кўклам учар, ёз учар,
Кўкка тўлар савт-садо, яли-яли.

Кўшиқларда Миртемир сўздан гўё рассом бўёғи каби фойдаланиб, рангин табиат манзараларини гавдалантирар экан, уларни ҳар доим инсон қалби билан узвий боғлиқликда жонлантиради. Оқибатда биз кўшиқлар орқали инсон руҳининг ниҳоятда нозик ва кўз илғаш қийин бўлган қирралари, талпинишлари, интилишлар, яъни ҳиссиётнинг оқар дарёдек ҳаракати билан танишамиз. Бу дарёда муҳаббат туйғуси энг қудратли тўлқин сингари мавжланиб туради. Ҳа, Миртемир кўшиқларининг аксарияти муҳаббат ҳақида бўлиб, улар бу умрбоқий туйғунинг сон-саноксиз жилвалари-ю жилоларини, ҳайратомуз қудрати-ю тенгсиз гўзаллигини заргарона тизилган сўзлар маржони воситасида юзага чиқаради. Оддий сўзлар

тизмасида улкан ҳаёт ҳақиқатини таъсирчан ифодалашдек санъаткорликка Миртемир ўз кўшиқларида жонлантириш, сифатлаш, ўхшатиш, муболаға сингари мажозлардан ғоятда ўринли фойдаланиш орқали эришди. Бунга иқроор бўлмоқ учун “Бир гўзал” кўшиғидаги қуйидаги мисраларни эслаш кифоя:

Дейдиларким, шаҳримда бир гўзал бормиш,
Ҳар оқшом боққа кириб мани сўрармиш.
Изларимни тополмай оҳлар урармиш –
Гир-гир юрармиш, ҳайрон бўлармиш.
Ўлтириб япроқлар-ла суҳбат қурармиш,
Ишқ учун осмас кимса мени, деб дорга –
Баъзан қўлин чўзармиш мунгли дуторга,
Соғлиқлар тилар эмиш олисда ёрга,
Асл хушторга, ҳажрида зорга...
Саломлар йўллар эмиш бу интизорга.

Бу мисраларда гўзал билан суҳбат қурган япроқларнинг жонлантирилишига, “мунгли дутор” каби сифатлашларнинг ажиб жозибадорлик касб этишига дуч келамиз ва уларнинг инсон руҳидаги ўта нозик тўлғанишларни ифодаловчи воситаларга айланганлигини англаймиз. Шундай тасвирий воситалар туфайли биз шоир кўшиқларида севгилисидан айрилган гўзалнинг япроқлар билан суҳбат қуришига, томошага келган осмоннинг ўйнашига, бепарво ошиқ йигитнинг осмондаги юлдузларни санаб ўтмоқчи бўлганлигига ҳайрон қолмаймиз. Худди шу санъаткорлик оқибатида Миртемир кўшиқлари катта ишонтириш қуввати ва самимият касб этади.

Миртемир дostonлари.

Миртемир дostonчиликда ҳам самарали ижод қилган. Чунончи, “Бонг”, “Барот”, “Агроном”, “Жанг”, “Хидир”, “Номус”, “Аждар”, “Очлар ўлкасида”, “Сув кизи”, “Дилкушо”, “Ойсанамнинг тўйида”, “Кўзи”, “Фарғона” сингари катта-кичик дostonлар Миртемир қаламига мансубдир. Афсуски, ҳукмрон мафқуранинг кучли таъйиқи остида яратилганлиги ва бадиий жиҳатдан номукамаллиги сабабли бу дostonларнинг аксарияти адабиётда сезиларли ҳодиса даражасига кўтарилмади.

Урушдан кейинги йиллар Миртемир учун янада самаралироқ ижод даври бўлди. Худди шу йилларда унинг таржимонлик санъати бутун борлиғи билан ўзлигини намоиш қилди. Ўзбек китобхони шоирнинг катта меҳнати туфайли А. С. Пушкиннинг эртаклари, М. Ю. Лермонтовнинг шеърлари, Н. А. Некрасовнинг “Русияда ким яхши яшайди?”, М. Горкийнинг “Бўрон қуши ҳақида кўшиқ” каби ўлмас асарларни ўз она тилида ўқишга муяссар бўлди. Булардан ташқари Миртемир қирғиз эпоси “Манас”ни, Уйғун билан ҳамкорликда қорақалпоқ эпоси “Қирқ қиз”ни, Мақсуд Шайхзода билан ҳамкорликда грузин шоири Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” дostonини ўзбек тилига ўгирди.

Бугина эмас, у Генрих Гейне, Эжен Поте, Абай, Бердақ, Нозим Ҳикмат, А.Твардовский, Пабло Неруда каби шоирларнинг асарларини ҳам ўзбек тилига таржима қилди. Бу таржималарда асл нусханинг асосий хусусиятлари, миллий руҳ сақланиб қолган.

Миртемирнинг шеърият соҳасидаги тинимсиз меҳнатлари натижасида “Қорақалпоқ дафтари” (1956-1957) туркуми юзага келди. Туркумда кўзга ташланиб турадиган асосий хусусият – бу шоирни моҳир ҳайкалтарошдай бир-икки характерли чизги, ўта ўринли топилган поэтик деталлар билан салмоқли ва мағрур образлар яратиш қобилиятидир. Мазкур тўпلامга “Сурат” номли кичик лирик қисса ҳам киритилган. Қисса Миртемирнинг инсон руҳини бутун мураккаблиги билан тасвирлай олиши, “қалб диалектикаси”га чуқур кира олишидан далолат беради. Асар яхлит сюжет асосига қурилмаган. У қаҳрамоннинг кечинмаларини ифодаловчи алоҳида-алоҳида кичик лавҳалардан ташкил топган. Аммо бу лавҳалардаги ҳис-туйғу шу қадар тиниқ, табиий ифодаланганки, шу орқали унинг ҳаёт йўли ҳам, бошига тушган оғир синовлар ҳам, маънавий гўзаллиги ҳам тўлиқ ёритиб берилган:

На олтин, на жавоҳир эдим...
Армонли бир ёш шоир эдим.
Зухро бўлмасанг ҳам чиройда,
Мен ишқингда нақ Тоҳир эдим...

...Гуноҳим не? – Жангда бўлганим,
Қон кечганим, юз бор ўлганим.
Дийдорингни унутолмайин,
Ўлимлардан ҳатлаб кетганим...

Лирик қаҳрамон суратга тикилиб, ундан муҳаббатига вафо ва садоқатни сўроқлайди. Унинг қўйнида тўрт йил асралган сурат эса жим. Ундан кўзлари қийғоч, сочлари сумбул, тарқоқ, зап қийилган қалам қошли гўзал беун боқади. Унинг кўзларида бевафолик нашъаси ўзини намоён қилади. Қалби ўксиган йигит “Э воҳ, қандай зил юк бўйнимда, Сени асраб тўрт йил қўйнимда...” – дея беун, сассиз фарёд чекади:

Ҳам нафратим, ҳам аянчим бор,
Юрак – икки дардга мубтало.
Ғамзалар... оҳ, бекор-ку, бекор...
Қайта оғир бўлди бу бало!
Кўрмай десам, кўзим кўр эмас,
Юрмай десам, оёғим бутун,
Аммо юрак ортиқ жўр эмас,
Хаёлларга бўламан тутқун.

“Сурат” оғир ҳаёт йўлини кечирган, “ўлкалар ҳатлаб” ўтган, уруш оловида товланиб улғайган кишининг қалб нидосидай жаранглайди.

Миртемир бир умр ҳаёт ҳақиқатига, гўзаллигига ишонди ва уларга талпиниб яшади. Шоир 1978 йилда, 68 ёшида Тошкентда оламдан ўтди.

Адиб Уйғун таъкидлаганидек, “Миртемир шеъриятимизнинг ҳақиқий маънодаги бободехқони, заҳматқаш, улкан шоирларидан бири” бўлиб қолди.

Миртемир замондошлар хотирасида

Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти лауреати Миртемир ижоди ХХ аср ўзбек адабиётининг тараққиёти тарихида айрича

ўрин эгаллайди. У ярим асрдан зиёд давом этган ижоди билан ўзбек шеъриятининг юксалишига улкан ҳисса қўшган.

Миртемир ўзининг нозик табиати ва ҳассос қалби билан ҳақиқий шоир эди. Шунинг учун ҳам у бутун умри мобайнида **Шеъриятга – Гўзалликни, Нафосатни, Латофатни** куйлаш санъатига содиқ қолиб, инсон қалбининг нафис манзараларини тасвир ва талқин этган.

Наим Каримов

Шоир ҳар бир асар устида кўп ва самарали меҳнат қилар. Шу сабабли ҳам Миртемирнинг шеърлари чуқур ғоявий мазмундорлиги, бадий юксаклиги билан ажралиб туради. У халқ жасоратининг илҳомбахш куйчиси сифатида кенг шуҳрат қозонган.

Комил Яшин

Миртемир ҳақида ўйлаш ва унинг муборак хотирасини ёдга олиш ҳам қувончли, ҳам қайғулидир. Шунинг учун қувончликки, Миртемир улкан шоир, жонажон дўст, тенги йўқ дилкаш инсон эди; шунинг учун қайғуликки, қалбимизга жуда қаттиқ таъсир қилган бу кулфат ҳали унитилган эмас. Биз Миртемирни ҳамиша машҳур қаламкаш салафлари қаторида барҳаёт, деб биламиз. У биз учун Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода ва ўзбек адабиётининг катта авлодига мансуб бошқа санъаткорлар билан ёнма-ён туради.

Чингиз Айтматов

Миртемир шеърият соҳасида ҳам, қўшиқчилик соҳасида ҳам баракали қалам тебратди. Унинг кўп сонли асарлари ўзбек халқининг маънавий маданияти хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Ардоқли шоиримиз, ижодкор дўстимнинг катор шеърлари ва қўшиқлари неча минглаб поэзия мухлислари ва қўшиқ шинавандалари қатори менинг учун ҳам энг қиммати совға бўлиб қолди.

Тамарахоним

Нечоғлик хокисор эдингиз, устоз,
Ялангтўш, меҳнаткаш, қалам деҳқони.
Қадим Туркистоннинг танти ўғлони,
Покиза эдингиз мисли оқ қоғоз.

Сизнинг армонингиз яшар қоғозда,
Балки, у бўйлағай асрларни ҳам.
Во дариғ, мана шу сатрларни ҳам
Ёзсам бўлмасмиди Сиз тирик чоғда...

Абдулла Орипов

Миртемирнинг поэтик таржима санъатини ривожлантиришдаги хизмати – бутун бир жамоанинг меҳнатига тенг.

Асқад Мухтор

Устоз ўзини қанчалик камтарликка олмасин, хокисорликка олмасин, бари бир хар бир ҳаракатида, феъл-атворида, мулоқотларида шеърларидай самимийлиги, ўқтамлиги сезилиб, билиниб турар эди.

Тўра Сулаймон

**“Миртемир буюк таржимон” мавзусида
билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар**

Танловнинг мақсади, китобхонларни Миртемирнинг таржимонлик фаолияти, у таржима қилган асарлари билан таништириш, ҳамда юқори ўқилиши орқали кизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан хар бири 8—10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан ишчилар, талабалар, билим юрти ўқувчилари, кутубхоначилар киритилиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Сўнгра шу саволлардан айримларини танлаб хар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Бериладиган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша адабиётларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини шоирнинг таржималарига қаратиш керак.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб кутубхоначилар, билимдонлар қайси асарлардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Миртемир Гомернинг қайси асарини таржима қилган?

(Гомернинг *“Одиссея”* асарини).

2. Ушбу мисраларнинг муаллифи ким ва асарнинг номи нима?

Қуёшдай қиз, сулувлигинг барқига мен парвона,

Мадорим йўк, қарорим йўк, ақлу хушдан бегона.

Мажнун бўлдим, латофатинг қаршисида девона,

Ижозат бер, қулинг бўлай, хизмат қилай мардона!

(Шота Руставелининг *“Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон”* асаридан олинган Миртемир таржимаси).

3. Миртемир Ли Бонинг қайси шеърларини таржима қилган ва улардан намуналар айтиб беринг.

(*“Лушань тоғида”*, *“Оқар дарё”*, *“Тиниқ дарё мақтови”*, *“Қиш кунини”*, *“Дўстим билан”*, *“Ойдинда ёлғиз ичганим”* ва бошқалар).

4. Ушбу мисралар кимнинг қаламига мансуб ва шеърнинг номини айтинг?

Унинг вафодори бўлмоқлик учун,

Фақат вафо учун кечдим жаҳона,

Бизни тақдир қўшганди ўзи мангу,

Наҳот шундан фалак беҳабар бўлса?

(Чон Чхол (XIV - XVII асрлар)нинг шеъри, *“Унинг вафодори”* деб номланади).

5. И. А. Криловнинг қайси асарларини Миртемир таржима қилган?

(*«Қурбақа ва хўкиз»*, *«Ниначи ва чумоли»*, *«Дарвеш ва айиқ»*, *«Какку ва хўроз»*, *«Тулки ва эшак»*, *«Тухматчи ва илон»*, *«Бўри ва Какку»*).

6. Миртемир нечанчи йиллардан бошлаб А. С. Пушкиннинг кўплаб лирик шеърлари ва эртакларини таржима қила бошлаган?

(У 30 -йиллардан бошлаб А. С. Пушкиннинг кўплаб лирик шеърлари ва эртакларини таржима қила бошлаган).

7. А. С. Пушкиннинг қайси шеърларини шоир Миртемир таржима қилган?
(«Истак», «Пайгамбар», «Шеър тўқувчи дўстимга», «Денгизга», «Бохус кўшиги», «Қиш оқшоми», «Тумор», «Жинлар» каби шеърларини таржима қилган).

8. Қуйидаги байтларнинг муаллифи ким ва асарнинг номи нима?

Кўкда ярқиллаган зар куёш эмас,
Зангор булут эмас қилган томоша.
Дастурхон олдида кийиб заррин тож,
Ўтирар дов Иван Васильевич шох.

(М. Ю. Лермонтовнинг «Шоҳ Иван Васильевич, Навжувон Ясовул ва Азамат савдогар Калашиников ҳақида қисса» асаридан олинган).

9. А. С. Пушкиннинг «Руслан ва Людмила» поэмасини шоир Миртемир нечанчи йилда ўзбек тилига таржима қилган?

(Ушбу поэмани Миртемир 1948 йилда ўзбек тилига таржима қилган).

10. Янка Купала Миртемирнинг қайси асарларини таржима қилган?
(«Ёдгор», «Бизнинг она ўлкамиз», «Ёшлик», «Менинг уйим», «Бахтиёр хотинларга», «Жамбулга», «Шафқат йўқ»).

11. Миртемир Степан Шпачевнинг қайси асарини ўзбек тилига таржима қилган?

(«Шушадаги кичик уй» поэмасини).

12. Миртемир «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достонини ким билан ҳамкорликда таржима қилган?

(Миртемир бу йирик достонни шоир, таржимон Мақсуд Шайхзода ҳамкорлигида таржима қилган).

13. Қуйидаги шеърларнинг номи ва муаллифини топинг?

Юрт! Минг йиллар кўшигимсан,
Гўзалларнинг бешигисан,
Бахшиларнинг маъшуғисан,
Ўзинг куёш кучоғимсан,
Шеър санъат ўчоғимсан!

(Шеърнинг номи «Озарбайжон», муаллифи Самад Вурғун, таржимони Миртемир).

14. Қуйидаги сатрларнинг муаллифи ким, у қайси йилларда яшаган, асар номи нима?

Оғайнилик бурчи, номус ҳам виждон:
«Айрича бир тақдир қиссасини ҳам
Китобингга куёш» деб бермоқда фармон
Дуч келди қалбимга йўлда шу алам.

(Александр Твардовский (1910-1971) «Болаликдаги дўст», «Йироқ-йироқлар» поэмасидан).

Беллашув якунини махсус ҳакамлар маълум балл кўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, уларнинг қисқа-кенглиги ҳам эътиборга олинади.

Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, таржимонлар, журналистлар, ёзувчи ва шоирлар, шунингдек адабиёт билимдонлари таклиф этилади. Голиб гуруҳ рағбатлантирилади.

“Халқ дардида ёнган шоир” мавзусида китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарда ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Зукко шоир, дилкаш инсон

Миртемирнинг қаламга олганлари, ёзган асарлари унинг қалбининг софлигидан, халққа, ватанга, дўстликка ҳадсиз садоқатидан туғилган, унган шеър дурдоналаридир.
Сулаймон Рустам

Бу бўлимда шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид адабиётлар тақдим этилади.

2. . Ёруғлик шайдоси, равза шайдоси.

Шеърларимда жилва қилсин замона,
Юртим мадҳи бўлсин сўнгги сатрим ҳам...
Миртемир

Бу бўлимда шоирнинг шеърий тўпламлари тақдим этилади.

2. Миртемир жаҳон мумтоз адабиётининг таржимони

Миртемирнинг поэтик таржима санъатини ривожлантиришдаги хизмати – бутун бир жамоанинг меҳнатига тенг.
Асқад Мухтор

Бу бўлимга шоирнинг таржима асарлари ва таржимонлик фаолияти билан боғлиқ бўлган материаллар тақдим этилади.

3. Улкан шоир, меҳрибон устоз.

Сизнинг армонингиз яшар қоғозда,
Балки, у бўйлагай асрларни ҳам.
Во дариғ, мана шу сатрларни ҳам
Ёзсам бўлмасмиди Сиз тирик чоғда...
Абдулла Орипов

Бу бўлимда шоир вафотидан сўнг дўстларининг хотиралари қўйилади.

Қуйида кутубхоналар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркумини ҳавола этамиз.

Мавзулар тахминий бўлиб, АКМ, АРМ ва кутубхоналар тадбирларнинг ўзи учун маъқул шаклини танлаб олиши, уларни маҳаллий материаллар билан тўлдириши мумкин.

Мавзули кеча

«Юртим мадҳи бўлсин сўнгги сатрим ҳам»
«Миртемир ижодида истиқлол оҳанглари»
«Халқнинг юрагига сингган шоир» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

«Миртемирнинг эстетик қарашларига доир».
«Миртемир ижодини ўрганишнинг муҳим қирраси».
«Ардоқли шоир» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

А д а б и ё т л а р

Миртемир. Асарлар. Тўрт жилдлик. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 - 1983.

Ж.1. Шеърлар.-1980-383 б.

Ж.2. Шеърлар.-1981.-375 б.

Ж.3. Шеърӣ туркумлар. Достонлар.-1982.-239 б.

Ж.4. Драма. Насрий шеърлар. Адабий танқидий мақолалар.-1983.-239 б.

*** *** ***

Отаёр. Миртемир. Ажойиб кишилар ҳаёти. –Т.: Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 160 б.

Миртемир замондошлари хотирасида. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 224 б.

Курбонбоев Б. Миртемир - Дўстлик ва қардошлиқ куйчиси.- Т.: Фан, 1981.- 61б.

Халилов Т. Миртемир маҳорати. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 128 б.

Шарафиддинов О. Миртемир. “Биринчи мўъжиза” китобида. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.-463 б.

*** *** ***

Кашкирли К. Миртемир. //Тил ва адабиёт таълими. 2010.- №5.- 42-64 б.

Ходжамкулов У. Миртемир ижодини ўрганишнинг муҳим қирраси. //Тил ва адабиёт таълими.- 2004.- №2.- 17-20 б.

Каримов Н. Битта ўзим биламан. //Шарқ юлдузи.- 1991.-№ 5.- 137-143 б.

Тузувчи: М. Рустамова